

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUGI**56** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузури-
даги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низом-
нинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини яна-да такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бую-
раман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 21 декабрдаги 304-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2166, 2010 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 499-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомнинг 9-банди иккинчи хатбоши-си қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий малака комиссияси ишчи органининг (бундан кейинги ўринларда ишчи орган деб юритилади) шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Кадрлар бошқармаси ҳамда Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармасининг соҳа бўйича масъул ходимлари орасидан шакллантирилади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади. Ишчи орган ўз фаолиятини Олий малака комиссияси раисининг раҳбарлигида амалга оширади.»

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Усманов зиммасига юклансин.

Вазир

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 23 январь,
19-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.